Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг ижросини таъминланиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Давлат дастурида **9 та** йўналишда **30 та** банддан иборат вазифа ва топшириқлар белгиланган бўлиб, барчасининг ижроси таъминланди. *(Маълумотнома илова қилинади)*

Давлат дастури доирасида **қуйидаги ишлар** амалга оширилди:

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган **12 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, шундан **4 таси** қабул қилинди:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги **“Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги** ПҚ-249-сон қарори билан давлат харидлари махсус ахборот порталида товар (иш, хизмат)ларнинг нархларини жамоатчилик учун очиқ ифодаловчи алоҳида тизим яратиш белгиланди;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги **“Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлаш ҳақида”**ги 910-сон қарори билан Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини масофавий мониторинг қилиш асослари, тартиби ва муддатлари, натижаларини расмийлаштириш ва таъсир чораларини қўллаш тартиби белгиланди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 февралдаги **“Давлат харидларида Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”**ги 102-сон қарори билан Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг **маъмурий регламенти** тасдиқланди, унга кўра реестрга киритиш 2025 йил 1 апрелдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш белгиланди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги **“Давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги 108-сон қарори билан хизмат сафарлари, шу жумладан, транспорт ва яшаш харажатлари учун тўловларни амалга ошириш, бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, авиа ва дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш,

электромобилларни электр энергияси билан қувватлантириш билан боғлиқ харидларни корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби белгиланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги, “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Республика ижро этувчи ҳокимият органларида аутсорсинг хизматларини кўрсатишни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа лойиҳалар юқори инстанциялар билан ҳамкорликда кўриб чиқилмоқда.

2. Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка масъул ходимларини ўқитишга мўлжалланган **“E-learning”** таълим платформаси *(data.anticorruption.uz)* ишга туширилди.

*Ҳозирги вақтга қадар платформа орқали **119** та давлат органларининг **609** нафар очиқликка масъул ходимларининг малакаси оширилди.*

3. Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид фаолиятини рақамлаштириш ахборот тизими **(hrm.argos.uz)** ишга туширилди.

*Ҳозирда **2 672** та ташкилотлар hrm.argos.uz платформасига уланган бўлиб, улардаги **95** мингга яқин давлат фуқаролик хизматчиларига тегишли шахсий маълумотлар базаси шакллантирилди.*

4. Судлар томонидан мансабдор шахсларнинг бекор қилинган ноқонуний қарорлари тўғрисида **жамоатчиликни хабардор қилиш** тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлари порталида (https://public.sud.uz/report#!/sign/view) давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ҳақидаги суд қарорларини очиқ эълон қилиб бориш тартиби йўлга қўйилди.

5. Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими соҳасида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаси ишга туширилди.

Миллий кенгашнинг 13-сонли баёни билан Мактабгача ва мактаб таълими тизимида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2024-2025-йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Йўл харита ижроси юзасидан:

*мактабгача ва мактаб таълими соҳасига оид **80** та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди;*

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функциялари махсус электрон платформада (e-anticor) баҳоланди;

*Тизимда фаолият юритаётган **8 636** нафар мактаб директорлари ва **223 654** минг нафар педагог ходимлар малакаси оширилди, **1 605** нафар ходим Бош прокуратура Академиясида ўқитилди;*

*Ходимлар учун коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, коррупция ва унинг оқибатлари, бу каби жиноятларни олдини олиш бўйича **456** та тарғибот ва профилактика тадбирлари ўтказилди;*

***6** та таълим хизматларини электрон платформа (my.gov.uz my.maktab.uz) орқали кўрсатиш йўлга қўйилди;*

***5 100** та давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг шахсини биометрик идентификация қилиш орқали давоматни юритиш йўлга қўйилди;*

117 нафар ходимда манфаатлар тўқнашуви аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди.

6. HEMIS ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан олий таълим муассасаларининг ҳар йилги **коррупцияга қарши курашиш рейтингини** аниқлаш амалиёти йўлга қўйилди.

7. “9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни”га бағишланган **“Аксилкоррупция хафталиги”** доирасида 2023-2024 йиллар давомида **500 дан ортиқ** тадбирлар ташкил этилди.

*2023 йил: **100** дан ортиқ ташкилотда очиқ эшиклар куни, **30** дан ортиқ олий таълим муассасасида талабалар ўртасида танловлар, республика ва халқаро даражада **2** та Форум, **20** дан ортиқ семинар-тренинг, мулоқот ва бошқа шаклдаги тадбирлар бўлиб ўтди.*

*2024 йил: **110** дан ортиқ ташкилотда очиқ эшиклар куни, ҳудудлардаги **334 та** муассасаларда давра суҳбатлари ва тренинглар, республика ва халқаро даражада **3** та Форум ўтказилди, **210 дан** ортиқ видеороликлар намойиш этилди.*

8. Ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш мақсадида коррупцияга қарши курашувчи идоралар вакилларининг **ёшлар билан учрашувларини** ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.

*Ҳозирги вақтга қадар **114 та** олий таълим муассасасида шу турдаги тадбирлар ўтказилди, хусусан Агентлик директори ва ёшлар ўртасида жорий йилнинг 9-февраль куни Наманган вилоятида, 16-март куни Фарғона вилоятида, 18-апрель куни Қорақалпоғистон Республикасида, 20-декабрь куни “Вазир ва ёшлар” тадбирлари доирасида ёшлар билан учрашувлар ўтказилди.*

9. Фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган **чора-тадбирлар** амалга оширилди.

*ННТлар учун коррупцияга қарши курашиш мавзуларида Олий Мажлис фонди ва унинг ҳудудлардаги бўлинмалари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар буюртмаларига асосан, **1 млрд 784 млн 400 минг** сўмлик грант танловлари эълон қилинди, ННТ, ОАВ, Жамоатчилик кенгашлари ва илмий доира вакиллари иштирокида **41 та** семинар ташкил этилиб, унда **680 нафар** иштирокчиларнинг малакаси оширилди.*

Шунингдек, фуқаролар ва ижодкорлар иштирокида киносценарийлар танлови ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашишга қаратилган серияли карикатуралар ҳамда стикерлар тўплами тайёрланди.

10. Аҳолининг коррупцияга нисбатан муносабатини аниқлаш ҳамда ислоҳотлардан хабардорлик даражасини ўрганиш бўйича **тадқиқот ўтказилди**.

*“Ижтимоий фикр” Маркази томонидан “Фуқаролар Ўзбекистонда коррупция тўғрисида” мавзусида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, мамлакатда коррупция даражасини респондентларнинг **42,5 фоизи “ўртача”**, **18,9 фоизи “юқори”**, **11,6 фоизи “паст”** деб ҳисоблайди.*

Иштирокчилар соғлиқни сақлаш, олий таълим, мактабгача ва мактаб таълими, бандлик, қурилиш, ички ишлар каби тузилмаларда коррупция ҳолатларига дуч келишганлигини маълум қилишган.

11. Жамиятда коррупция ҳолатларининг намоён бўлишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш мақсадида коррупция хавф-хатарлари юқори соҳаларда **ўрганишлар ўтказилди**.

*“Юксалиш” ҳаракати, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда **Аксилкоррупция лабораторияси** лойиҳаси доирасида **4 та** “Олий таълим муассасалари талабаларининг билимини баҳолашда ноҳалоллик ва коррупция омиллари”, “Акушерлик хизматларини кўрсатишда ноҳалоллик ва коррупция хавфлари”, “Мактабга қабул қилишда коррупция хавфини камайтириш бўйича тавсияларнинг бажарилишини мониторинг қилиш” ҳамда “Ипотека кредити учун субсидия ажратиш жараёнида коррупция хавфлари” **мавзуларида** тадқиқотлар ташкил этилди.*

12. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупция ҳолатларига дуч келганда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тушунтириш ва амалий кўмак бериш мақсадида **“Медиа-режа”** тасдиқланди.

*Медиа-режа доирасида **160 та** информацион дастурлар орқали **416 та** лавҳа, репортаж ва интервьюлар, **576 та** телерадиомахсулотлар эфирга узатилди. **10 дан ортиқ** форматдаги ижтимоий роликлар намойиш этиб келинмоқда.*

13. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида **5-босқич мониторинги** ўтказилди.

*Мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсати **83.6 балл** билан Марказий осиё давлатлари орасида энг юқори баҳоланди.*

14. Давлат дастурида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жами **4 млрд 795 млн сўм** миқдорида, шундан, **2 млрд 440 млн сўми** бюджет маблағлари ва **2 млрд 355 млн сўми** халқаро ташкилотлар маблағлари сарфланди. *(2-илова)*

Масалан, Давлат дастури 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик ҳузуридаги «Call-марказ»га қилинган қўнғироқларни ёзиб олиш ва овозли хабар қолдириш имкониятини яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармасидан 111,9 млн сўм (8750 евро) маблағ ажратилди.

Давлат дастури ижроси орқали қуйидаги натижаларга эришилди:

- **4 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, коррупцияга сабаб бўлаётган ҳолатлар қонунчиликда аниқ белгиланди *(қабул қилинган ҳужжатлар рўйхати 1-бандда кўрсатилган)*.
- Ўзбекистонда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратилиши натижасида оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда.

  Оммавий ахборот воситалари 1,5 баравар (2 минг 349 та), Интернет нашрлар 2 карра (738 та), фаол блогерлар сони 24 марта (1 минг 200 та) ошди. https://t.me/Press_Secretary_Uz/5440
- Ерни маҳаллий ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечиб, аукцион тизимига ўтилганлиги натижасида 2024 йилда бюджетга 4,5 триллион сўм қўшимча маблағ тушган (уч йилда 7 триллион сўм). https://t.me/Press_Secretary_Uz/5441
- Давлат харидлари танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун, 2024 йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалган. https://t.me/Press_Secretary_Uz/5442

- Олий таълимда **35 турдаги** ҳужжатларни инсон омилисиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар **2,2 баравар** камайди. https://t.me/Press_Secretary_Uz/5442
- мактабгача ва мактаб таълими тизимида **10 дан ортиқ** хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши натижасида ушбу соҳада мурожаатлар сони **2,5 каррага камайди** *(2017 йилда 25 мингта, 2024 йилда 10 мингта мурожаат келиб тушган).*
- Аҳоли ва тадбиркорлардан **120 турдаги** ҳужжатларни талаб қилиш, **160 дан** ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. Натижада **200 мингга** яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келди. Чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб **5 карра ошиб**, **23 мингга** яқинлашди. Электрон давлат хизматлари сони **15 карра ортиб**, **721 тага** етди, улардан фойдаланувчилар эса **11 миллиондан** ошди. https://t.me/Press_Secretary_Uz/5443
- **120 миллиард** доллардан ортиқ инвестиция кириб келди, Ўзбекистон иқтисодиёти 2 карра ўсиб, 2024 йили ялпи ички махсулот **115 миллиард** долларга етди. https://t.me/Press_Secretary_Uz/5443

Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ва жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида **2024 йил 16 октябр куни** *(IV Тошкент аксилкоррупция форуми доирасида)* нодавлат нотижорат ташкилотларининг жами **50 нафардан** ортиқ вакиллари иштирокида муҳокама учрашуви ташкил этилди.

Учрашувда Агентлик томонидан Давлат дастури ижроси бўйича жамоатчиликка ҳисобот берилди.

Муҳокамада сўзга чиққан **“Ezgulik” инсон ҳуқуқлари жамияти раиси Абдураҳмон Ташанов** нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари Давлат дастурда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ва сифатли бажарилишида таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари самарадорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишларини таъкидлади.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан давлат дастури ижроси юзасидан ҳисобот билан танишиб чиққан ҳолда, Давлат дастурининг 24-банди (коррупция мавзусида ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш) ижросини таъминлашда бевосита иштирок этганликлари, хусусан “Олий таълим муассасалари талабаларининг билимини баҳолашда ноҳалоллик ва коррупция омиллари” ва “Акушерлик хизматларини кўрсатишда ноҳалоллик ва коррупция хавфлари” мавзусларида ўтказилган тадқиқотлар тўғрисида ҳисоботга киритиш таклиф билдирилди.

Бундан ташқари, **2025 йилнинг 21 феврал** куни давлат дастурида **якуний ҳисоботи** Агентлик ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида муҳокама қилинди. https://www.anticorruption.uz/ru/article/zamoatcilik-kengasi-iigilisida-davlat-dasturi-izrosi-amda-iaqin-istiqbolda-belgilanaetgan-vazifalar-muokama-qilindi

Хусусан, **“Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” республика жамоат бирлашмаси директори ўринбосари Ф.Отахонов** давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган, лекин ҳозирда юқори инстанцияларда кўриб чиқилётган лойиҳаларнинг қабул қилингунига қадар назорат қилиб бориш лозимлигини, шунингдек давлат дастуридаги вазифаларнинг сифатли ижро этилганлигини ўрганиб, қўшимча равишда масъулларга топшириқ бериш орқали амалиётга самарали жорий этилишини таъминлаш кераклиги тўғрисида фикр билдирди.

"Менинг Юртим (MY5)" телеканали ижтимоий-сиёсий лойиҳа раҳбари Ю.Олимова дастур доирасидаги бандларнинг бажарилганлик даражасини фақатгина давлат органлари томонидан берилган маълумотлар билан баҳоламасдан, сўровнома орқали аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда баҳолаш лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама йиғилишида жамоатчиликни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилиб, Агентлик раҳбарияти томонидан келгусида давлат дастури ижросини таъминлашда жамоатчилик вакилларининг янада фаол иштирок этишлари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширилишида жамоатчилик назоратини таъминлаш учун Агентлик доимо ҳамкорликка тайёр эканлиги маълум қилинди.

10. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси юзасидан Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз муносабатини билдирилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 2025 йил 14 февралдаги хатида Давлат дастурининг ижроси юзасидан тақдим этилган ҳисобот кўриб чиқилганлиги, амалга оширилган ишларни эътироф этган ҳолда Агентлик томонидан ишлаб чиқилган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегиясини қабул қилишни тезлаштириш бўйича таклифлар билдирган.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти 2025 йил 12 февралдаги хатида коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик базаси яратилганлиги, халқаро ҳамкорлик ривожланганлигини билдириб, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати таъминлаш учун вазирлик ва идолара ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашларини фаолиятини ривожлантириш, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларини коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини янада кучайтириш бўйича таклифларни билдирган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрьдаги ПФ–200-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг ижроси тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Т/р	Чора-тадбир номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Амалга ошириш механизми	Ижро ҳолати
I. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
1.	**Давлат дастурининг 1-банди:** Янги Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш.	2024 йил май	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов)	«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги; давлат органларида мажбурий равишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга ошириш талаблари; коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари; Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари; сиёсий партияларнинг молиялаштирилишининг очиқ ва шаффофлиги ҳамда сайлов жараёнларидаги коррупциянинг олдини олиш чоралари;	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. (ID-94811)

				давлат бошқаруви органларининг коррупцияга қарши стандартларни жорий этиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш бўйича механизмларини белгилаш.	
2.	**Давлат дастурининг 2-банди:** Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг «Call-марказ» фаолиятини такомиллаштириш.	2024 йил февраль	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)	Фуқаролар томонидан коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи «Call-марказ»га қилинган қўнғироқларни ёзиб олиш ва овозли хабар қолдириш имкониятини яратиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-июлдаги ПФ-6257-сон Фармонига асосан 2021 йил сентябрда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурида фуқароларнинг коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи тун-кун фаолият юритадиган “Call-марказ” ишга туширилиб, **“1253”** қисқа рақам орқали фаолият юритиб келмоқда. Давлат дастурининг мазкур банди ижроси бўйича “IT WORKS” МЧЖ билан (№109810) шартнома тузилиб, фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, суҳбат жараёнлари ёзиб олиш учун махсус платформа ўрнатилган. Шунингдек, дам олиш ва байрам кунлари кунлари туну-кун ҳамда иш кунлари соат 20.00 дан эрталаб соат 9.00га қадар автоматлаштирилган оператор фаолияти хизмат кўрсатмоқда.
3.	**Давлат дастурининг 3-банди:** Коррупцияга оид хабарлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш.	2024 йил апрель	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), Ички ишлар вазирлиги	Коррупция тўғрисида хабар берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, коррупция билан боғлиқ мурожаатларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш имкониятини берувчи ягона марказлаштирилган электрон тизимни яратиш назарда тутилади.	**БАЖАРИЛГАН.** “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. (ID-95775)

			(П. Бобожонов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)		
4.	**Давлат дастурининг 4-банди:** Давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган «Open data» электрон таълим платформасини ишга тушириш.	2024 йил февраль	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов)	Электрон таълим платформаси дастурий таъминотини яратиш ҳамда очиқликни таъминлаш соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ўқув модулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, платформа орқали давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларини ўқитишни ташкил этиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка масъул ходимларини ўқитишга қаратилган **“E-learning”** таълим платформаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. (data.anticorruption.uz). Платформада ўзбек ва рус тилларида 12 та мавзудан иборат 2 та ўқув модули ва тестлар жойлаштирилди. Шунингдек, Агентлик томонидан платформа орқали ўқитилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг масъул ходимлари рўйхати шакллантирилди. Ҳозирги вақтга қадар платформа орқали **119 та** давлат органларининг очиқликка масъул бўлган **609 нафар** ходимларнинг малакаси оширилди.
5.	**Давлат дастурининг 5-банди:** Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағларнинг сарфланиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш.	2024 йил март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)	Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар (жарима, давлат мулкини ижарага бериш ва сотиш, пуллик хизматлар кўрсатиш ва бошқа), уларнинг сарфланган мақсад ва йўналишлари ҳақидаги маълумотларни очиқ маълумотлар портали ва расмий веб-сайтларда эълон қилинишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқ очиқ маълумотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармонига қўшимча киритиш

					ҳақида”ги Фармони (ID-94710) лойиҳаси ишлаб чиқилди.
6.	**Давлат дастурининг 6-банди:** Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.	2024 йил июнь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев)	Қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш: давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини такомиллаштириш; оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилинишини баҳолашда «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбири натижаларини ҳисобга олиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. (ID -99639)
7.	**Давлат дастурининг 7-банди:** Давлат органлари ва ташкилотлари очиқликлигини таъминлаш фаолияти устидан назорат тизими самарадорлигини ошириш.	2024 йил июнь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)	Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофавий мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлаш ҳақида”ги 910-сон қарори қабул қилинди.
II. Давлат хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
8.	**Давлат дастурининг 8-банди:** Вазирлик ва идораларнинг инсон ресурсини ривожлантириш ва бошқариш фаолиятини рақамлаштириш.	2023 йил декабрь	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О. Хасанов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), вазирлик ва идоралар	Бюрократик тўсиқларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг кадрлар билан ишлаш йўналишидаги фаолиятини hrm.argos.uz электрон базаси орқали амалга ошириш. Бунда: таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона	**БАЖАРИЛГАН.** Ушбу топшириқ ижроси юзасидан, Агентлик томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда **hrm.argos.uz** платформаси ишлаб чиқилди ҳамда вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг қуйи тузилмаларида жорий этилди. Мазкур платформада: - таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни

				электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш; шахсий таркибга оид буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш; кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.	ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш; - шахсий таркибга оид буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; - ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш; - кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш функциялари яратилган. Бугунги кунда вазирлик ва идораларнинг қуйи ҳамда таркибий тузилмалари билан жами **2 672 та ташкилотлар** hrm.argos.uz платформасига уланган бўлиб, улардаги **95 мингга яқин** давлат фуқаролик хизматчиларига тегишли шахсий маълумотлар базаси шакллантирилди ҳамда 140 мингга яқин инсон ресурсларини бошқаришга оид буйруқ, қарор ва фармойишлар тайёрланди.. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-49-сон Фармони қабул қилинди. Раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш “samaradorlik.uz” электрон платформасида амалга оширилмоқда. Мазкур платформа “hrm.argos.uz” электрон платформаси билан тўлиқ интеграция қилинган.
III. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олиш					

9.	**Давлат дастурининг 9-банди:** Маъмурий тартиб-таомилларнинг бир хилда қўлланилиши бўйича давлат органларида ягона ёндашувни шакллантириш.	2023 йил декабрь	Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)	Давлат органлари ва ташкилотларида маъмурий тартиб-таомилларни бир хилда ташкил этиш ва ижросини таъминлаш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш ҳамда етказилишини таъминлаш.	**БАЖАРИЛГАН.** Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунини қўллаш юзасидан услубий қўлланма ишлаб чиқилди ҳамда хизмат фаолиятида фойдаланиш учун 2023 йил 15 декабрдаги 13/16-333-сон хат билан вазирлик ва идораларга юборилди (2023 йил 15 декабрь 13/16-333-1-сон хат).
10.	**Давлат дастурининг 10-банди:** Судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг, уларнинг мансабдор шахсларининг бекор қилинган ноқонуний қарорлари тўғрисидаги маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш.	Ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 15 санасига қадар	Олий суд (Б. Исламов), Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)	Судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний чиқарилганлиги учун бекор қилинган қарорлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни билан расмий веб-сайтда очиқ эълон қилиб бориш.	**БАЖАРИЛГАН.** Мазкур топшириқ ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси **Олий судининг** интерактив хизматлари порталида (my.sud.uz) давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ҳақидаги суд қарорларини очиқ эълон қилиб бориш тартиби йўлга қўйилган. 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек маҳаллий ҳокимликларнинг жами **2 206 та** қарори судлар томонидан бекор қилиниб, барчаси порталга жойлаштирилган.
IV. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
11.	**Давлат дастурининг 11-банди:** Давлат харидлари тартиб-таомилларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш.	2024 йил март	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Олий суд (Б. Исламов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Адлия вазирлиги	Давлат хариди жараёнидаги иштироки билан боғлиқ ҳолатда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ёки манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган, давлат хариди иштирокчиси бўлган юридик шахснинг мансабдор шахслари ёки таъсисчиларини Инсофсиз ижрочилар реестрига киритиш ҳамда ушбу шахслар бошқарувидаги ёки бенефициар таъсисчилигида бўлган бошқа юридик шахсларнинг ҳам давлат харидидаги иштирокини чеклаш билан боғлиқ тартибни	**БАЖАРИЛГАН.** Агентлик томонидан Давлат харидлари соҳасидаги Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрини тартибга солиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга қўшимчалар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси (ID-99871) ишлаб чиқилди.

			(А. Ташкулов)	жорий қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	
12.	**Давлат дастурининг 12-банди:** Давлат харидларида товар (иш ва хизматлар)нинг нархларини назорат қилиш механизмларини яратиш.	2023 йил декабрь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Статистика агентлиги (Б. Бегалов), Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (Ш. Шарахметов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	1. Давлат харидлари тартиб-таомилларини амалга оширишда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини давлат харидларининг махсус ахборот порталида эълон қилинган нархлар асосида шакллантиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 2. Давлат харидларида товар (иш ва хизматлар)нинг бошланғич нархини белгилашнинг намунавий тартибини ишлаб чиқиш. Бунда, товар (иш ва хизматлар)нинг бошланғич нархларини махсус ахборот порталида эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-249-сон қарори қабул қилинди. Қарорнинг 8-бандида давлат харидлари махсус ахборот порталида давлат буюртмачилари амалга оширилган давлат харидлари натижаларига кўра товар (иш, хизмат)ларнинг, шу жумладан уларнинг турлари кесимида шаклланган нархларини жамоатчилик учун очиқ ифодаловчи алоҳида саҳифани жорий этиш, давлат буюртмачиларига ушбу саҳифа асосида бошланғич нархни шакллантириш имкониятини яратиш белгиланди.
13.	**Давлат дастурининг 13-банди:** Давлат харидларини амалга оширишда ягона етказиб берувчиларни белгилашнинг шаффоф тизимини яратиш.	2024 йил январь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	1. Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш регламентини ишлаб чиқиш. Бунда: амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритган ҳолда Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун ваколатли орган ва тегишли масъул вазирлик, идораларнинг масъулларидан иборат комиссияни тузиш ҳамда ушбу комиссия иш фаолиятини «Xarid.mf.uz» платформаси орқали электрон тарзда кўриб чиқиш механизмини жорий қилиш; ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги ариза ва унга илова	**БАЖАРИЛГАН.** 1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 февралдаги **“Давлат харидларида Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”**ги 102-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг **маъмурий регламенти** тасдиқланди, унга кўра реестрга киритиш 2025 йил 1 апрелдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш белгиланди**.**

				маълумотларни Давлат харидлари марказий ахборот порталида очиқ эълон қилиш, мажбурий жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш, мазкур ариза бўйича жамоатчилик вакилларида ўз фикр ва эътирозларини порталда қолдириш имкониятини яратиш; ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижаларини (қаноатлантирилганлар ва рад этилганлар асослари) Давлат харидлари марказий ахборот порталида очиқ эълон қилиш. 2. Ягона етказиб берувчилар билан шартнома тузиш жараёнларини электронлаштириш, яъни махсус ахборот портали орқали тузилишини жорий қилиш.	2.Давлат харидлари электрон тизимининг операторлари - “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ ва “ХТ Харид технологиялари” АЖ электрон тизимларида тўғридан-тўғри, шу жумладан, ягона етказиб берувчилар билан электрон шартномалар тузиш имконияти яратилди.
14.	**Давлат дастурининг 14-банди:** Давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатларининг судларда кўриб чиқиш бўйича ягона амалиётни шакллантириш.	2024 йил май	Олий суд (Б. Исламов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар	Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш орқали амалга оширилган давлат харидлари билан боғлиқ ишларни кўриш амалиётини умумлаштириб, бу тоифадаги ишларни кўришда ягона амалиётни шакллантириш бўйича судларга зарурий тавсияларни ишлаб чиқиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раёсатининг 2024 йил 27 майдаги “Иқтисодий судлар томонидан 2019-2023 йилларда давлат харидлари билан боғлиқ кўрилган ишлар юзасидан суд амалиётини умумлаштириш натижалари тўғрисида”ги РС-22-24-сонли қарори қабул қилинди. Шу билан бирга мазкур топшириқ доирасида Жиноят ишлари бўйича республика судларида 2019-2023 йилларда кўриб чиқилган давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти умумлаштирилди ва уларнинг натижаларига кўра судларга тегишли тавсиялар берилди.
15.	**Давлат дастурининг 15-банди:** Давлат органлари ва ташкилотларга тегишли	2024 йил апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов),	Давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини корпоратив банк карталари	**БАЖАРИЛГАН.** 1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги

	корпоратив банк карталари орқали харидларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш.		Марказий банк (М. Нурмуратов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)	орқали амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	**“Давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги 108-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан хизмат сафарлари, шу жумладан, транспорт ва яшаш харажатлари учун тўловларни амалга ошириш, бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, авиа ва дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш, электромобилларни электр энергияси билан қувватлантириш билан боғлиқ харидларни корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби белгиланди.
16.	**Давлат дастурининг 16-банди:** Республика ижро этувчи ҳокимият органларида аутсорсинг хизматлари кўрсатишдаги коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш.	2024 йил март	Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), вазирлик ва идоралар	Республика ижро этувчи ҳокимият органларида аутсорсинг хизматлари кўрсатишнинг ягона тартибини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда: аутсорсерларни танлаб олиш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг очиқ ва шаффоф механизмларини, шу жумладан ягона электрон платформа жорий этишни; аутсорсер ва буюртмачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини; аутсорсинг хизмати кўрсатилиши юзасидан назорат ва мониторинг қилиш механизмларини; аутсорсинг хизматларини ташкил этиш ва ўтказишда коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш механизмларини белгилаш.	**БАЖАРИЛГАН.** Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ижро этувчи ҳокимият органларида аутсорсинг хизматларини кўрсатишни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ID -94876) ишлаб чиқилди.
17.	**Давлат дастурининг 17-банди:** Давлат харидлари соҳасида қонунбузилиш ҳолатларининг	2024 йил июнь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов),	Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш:	**БАЖАРИЛГАН.** “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат харидлари соҳасида янги ваколатлар бериш юзасидан

	олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш.		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)	Агентлик ваколати доирасида аниқлаган давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш; Агентликка давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолда тузилган битимни, қабул қилинган қарорни ҳамда бошқа ҳужжатни ўзгартириш, бекор қилиш ёки уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида давлат божидан озод этилган ҳолда судга даъво киритиш ваколатини бериш; давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда давлатга етказилган зарарнинг ҳамда ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжатнинг ижроси билан боғлиқ харажатларнинг ўрни айбдор мансабдор шахсдан ундириб олиш; давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари аниқланганда Агентликнинг тақдимномасига асосан харид қилиш тартиб-таомилларни тўхтатиб туришни назарда тутиш.	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.
V. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
18.	**Давлат дастурининг 18-банди:** Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаларини амалга ошириш.	2023 йил декабрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), вазирлик ва идоралар	Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш; коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;	**БАЖАРИЛГАН.** Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2024 йил 1-мартдаги 13-сонли баёни 3-иловаси билан Мактабгача ва мактаб таълими тизимида **“коррупциясиз соҳа”** лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2024-2025-йилларга мўлжалланган **“Йўл харитаси”** тасдиқланди. Йўл харита ижроси юзасидан:

				соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш; коррупцияга қарши ички назорат тизими самарадорлигини ошириш.	мактабгача ва мактаб таълими соҳасига оид 80 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди; коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функциялари махсус электрон платформада (e-anticor) баҳоланди; Тизимда фаолият юритаётган 8 636 нафар мактаб директорлари ва 223 654 минг нафар педагог ходимлар “Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш” мавзусида 2 соатлик малака ошириш доирасида ўқитилди; Шунингдек, “2024-йилда давлат бюджети маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан таъсирчан назорат ва мониторинг тизимини ташкил этиш” мавзуси бўйича ходимларнинг мустақил ўқиб ўрганилишини ташкил этиш учун 49 та тақдимот ва 37 та видеороликлар ҳудудий бошқармаларга тарқатилди. Бундан ташқари, йил давомида 1 605 нафар ходим Бош прокуратура Академиясида ўқитилди. Ходимлар учун коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, коррупция ва унинг оқибатлари, бу каби жиноятларни олдини олиш бўйича 456 та тарғибот ва профилактика тадбирлари ўтказилди; 6 та таълим хизматларини электрон платформа (my.gov.uz my.maktab.uz) орқали кўрсатиш йўлга қўйилди. 5100 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг давоматини шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали юритиш йўлга қўйилди.

					117 нафар ходимда манфаатлар тўқнашуви аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди.
19.	**Давлат дастурининг 19-банди:** Олий таълим муассасалари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш	2023 йил декабр	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Каримов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов	HEMIS ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан олий таълим муассасаларининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш рейтингини аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш. Рейтинг натижалари бўйича салбий кўрсаткич қайд этган олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.	**БАЖАРИЛГАН.** 2023 йил 6 декабрь куни талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш ва олдини олишга доир **HEMIS platformasi (https://survey.hemis.uz)** орқали аноним сўровнома ўтказилди ва олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги шакллантирилди ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича **“яхши”, “қониқарли”** ва **“қониқарсиз”** давлат олий таълим муассасалари аниқланди. Ўтказилган сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, таълим жараёнида коррупциявий хавфларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ижросини таъминлаш учун олий таълим муассасаларига юборилди.
VI. Коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини такомиллаштириш					
20.	**Давлат дастурининг 20-банди:** Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, танқидий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш.	2024 йил январь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (Е. Коленко), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Каримов)	Қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: коррупцияга қарши курашиш соҳаси бўйича миллий экспертлар жамоасини босқичма-босқич шакллантириш; илмий-методик материалларни ишлаб чиқишга хорижий экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб этишни мувофиқлаштириш; миллий экспертларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги малакасини	**БАЖАРИЛГАН.** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан 2024 йил 23 январда “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, танқидий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш бўйича Чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. Режа ижроси доирасида:

				ошириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш халқаро академияси (IACA) ва бошқа халқаро таълим муассасаларида ўқитишни ташкил этиш.	GRACE дастурнинг Академик тармоғи (The anti-corruption academic (ACAD)га Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим ва тадқиқотларни амалга оширувчи 14 нафар профессор-ўқитувчиларининг аъзо бўлиши таъминланди; Коррупцияга қарши курашишга масъул идоралар ва ташкилотлар, ихтисослашган таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда ишлаётган хорижий экспертлар жамоаси рўйхатини шакллантирилди; Коррупцияга қарши курашиш соҳаси бўйича миллий экспертлар жамоаси тузилди.
VII. Суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш					
21.	**Давлат дастурининг 21-банди:** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг олдини олиш.	2024 йил май	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов), вазирлик ва идоралар	Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг коррупцияга оид жиноятлар содир этилишига имконият яратиб бераётган функция ва вазифаларини таҳлил қилиб, уларни судларга ўтказиш ёки рақамлаштириш орқали коррупция хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилишига имконият яратиб бераётган омиллар таҳлил қилинди, хусусан, жиноят ишида ва эҳтиёт чорасини қўллашда енгилликлар яратиш эвазига коррупция жиноятлари содир этилаётганлиги аниқланиб таклифлар ишлаб чиқилди.
VIII. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш					
22.	**Давлат дастурининг 22-банди:** Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий	2023-2024 йилларда	Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди	1. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар ва ижтимоий буюртмалар сони ва	**БАЖАРИЛГАН.** 1. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 10-сонли баённомасининг 11-бандида Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар коррупцияга қарши курашиш

	ахборот воситаларининг ролини ошириш.		(келишув асосида), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари (келишув асосида), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И. Норқулов), Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (К. Ишанходжаев), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)	ажратилаётган маблағлар миқдорини ошириш. 2. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан эълон қилинадиган давлат грантлари ажратиш учун танловларда мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мавзулар киритиш. 3. Нодавлат нотижорат ташкилотларини соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тизимли равишда семинарлар ташкил этиб бориш.	ҳудудий кенгашларига “Агентлик таклифига асосан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан эълон қилинадиган давлат грантларига коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мавзуларни киритиб бориш” вазифаси юклатилди. Шунга асосан, 2023-2024 йиллар давомида **1 млрд 784 млн 400 минг** сўмлик грантлар ажратилган. Булар: - Агентлик буюртманомасига асосан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан **400 млн**.сўмлик грант маблағи ажратилган; - Халқаро ҳамкорлар (БМТ ТД) томонидан 8 та лойиҳа учун умумий қиймати **50 минг** доллар грант маблағлари йўналтирилган. 2. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан **14 та ҳудудда** коррупцияга қарши курашиш йўналишида нодавлат нотижорат ташкилотларига **1 млрд 384 млн 400 минг сўм** миқдорида грантлар ажратилган. 3. 2023-2024 йилда Агентлик томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси,

					Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари томонидан **41 та** семинар ташкил этилди. Мазкур семинарларга 30 нафар хорижий экспертлар жалб қилинди ва жами **680 та ННТ** вакиллари қамраб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси доирасида **2024 йилдан** ўқув-дастурига **“Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жамоатчилик мониторингини ташкил этиш”** мавзуси киритилди.
23.	**Давлат дастурининг 23-банди:** Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг кўламли «Аксилкоррупция ҳафталиги»ни ўтказиш.	Ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов)	«Аксилкоррупция ҳафталиги»ни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш.	**БАЖАРИЛДИ.** “Аксилкоррупция ҳафталиги”ни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2023 йил 23 августдаги 10-сонли баённомаси билан 2023 йил учун ва 2024 йил 29 августдаги 16-сонли баённомаси билан 2024 йил учун “9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни”га бағишланган Аксилкоррупция ойлиги доирасида ўтказиладиган тадбирлар режа”лари тасдиқланди. Ҳар йилги Режалар ижроси доирасида: **2023 йил** 100 дан ортиқ ташкилотда очиқ эшиклар куни, 30 дан ортиқ олий таълим муассасасида талабалар ўртасида танловлар, республика ва халқаро даражада 2 та Форум, 20 дан ортиқ семинар-тренинг, мулоқот ва бошқа шаклдаги тадбирлар бўлиб ўтди.

					2024 йил 110 дан ортиқ ташкилотда очиқ эшиклар куни, ҳудудлардаги 334 та муассасаларда давра суҳбатлари ва тренинглар, республика ва халқаро даражада 3 та Форум ўтказилди, 210 дан ортиқ видеороликлар намойиш этилди.
24.	**Давлат дастурининг 24-банди:** Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини аниқлаш ва ошириш мақсадида тизимли равишда ижтимоий тадқиқотлар ва сўровлар ташкил этиб бориш ва натижаларини кенг жамоатчиликка эълон қилиш.	Ҳар ярим йилда	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (Н. Рахимова)	«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва бошқа нодавлат ташкилотлар иштирокида аҳолининг коррупцияга муносабатини ва олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардорлик даражасини ўрганиш юзасидан сўровномалар ташкил этиш. Бунда, сўровномалар мавзуси танлашда коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларни аниқлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига баҳо бериш, фуқароларнинг коррупцияга нисбатан муносабатини аниқлаш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларига эътибор қаратиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Агентлик ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олий таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамда фуқароларнинг ислоҳотлар самарадорлигига ва коррупция сабаблари тўғрисидаги фикрлари юзасидан сўровлар ташкил этилди ва натижалари кенг жамоатчиликка эълон қилинди. 1. “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан мамлакатда коррупциянинг тарқалганлик даражасини баҳолаш, турли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг коррупциялашганлик даражаси тўғрисида фуқароларнинг фикрини ўрганиш, коррупциянинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи сабаб ва омилларни аниқлаш, мамлакатда коррупцияга қарши амалга оширилаётган сиёсат чора-тадбирларининг самарадорлиги ҳақида фуқароларнинг тасаввури ва баҳосини ўрганиш мақсадида аҳоли ўртасида “Фуқаролар Ўзбекистонда коррупция тўғрисида” мавзусида социологик тадқиқотни амалга оширилди 2. “Юксалиш” ҳаракати билан ҳамкорликда 4 та мавзуда, “Олий таълим муассасалари талабаларининг билимини баҳолашда ноҳалоллик ва коррупция омиллари”, “Акушерлик хизматларини кўрсатишда ноҳалоллик ва коррупция

					хавфлари”, “Мактабга қабул қилишда коррупция хавфини камайтириш бўйича тавсияларнинг бажарилишини мониторинг қилиш” ҳамда “Ипотека кредити учун субсидия ажратиш жараёнида коррупция хавфлари” мавзуларида тадқиқотлар ташкил этилди.
25.	**Давлат дастурининг 25-банди:** Ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш.	2023 йил декабрь	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Каримов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов), вазирлик ва идоралар	Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари вакилларининг ёшлар билан учрашувларини ташкил этиш юзасидан йиллик режа-жадвални ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш.	**БАЖАРИЛГАН.** Олий ва профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот шаклидаги оммавий тадбирларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ташкил қилиш ва ўтказиш учун 2024-йилга мўлжалланган **режа жадвал** ишлаб чиқилди. Режа жадвал ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг ҳудудлардаги бошқармалари ва олий таълим муассасаларига ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига 2023 йил 11 декабрь куни 3/15-200-25-сон хат юборилди. Ҳозирги вақтга қадар **114 та** олий таълим муассасасида ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Масалан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ва ёшлар ўртасида жорий йилнинг 9-февраль куни Наманган вилоятида, 16-март куни Фарғона вилоятида, 18-апрель куни Қорақалпоғистон Республикасида ёшлар билан учрашувлар ўтказилди.

26.	**Давлат дастурининг 26-банди:** Коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, бу борада эришилган натижаларни муҳокама қилиш ва тушунтиришга бағишланган тарғибот тадбирларини амалга ошириш.	Алоҳида режа жадвалга асосан 2023-2024 йилларда	МТРК (А. Хаджаев), Миллий медиа ассоциацияси (Ш. Қудратхўжа) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), вазирлик ва идоралар	Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупция ҳолатларига дуч келганда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тушунтириш ва амалий кўмак бериш, соҳадаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, эришилаётган натижалар ва келгуси вазифа-мақсадларни муҳокама қилишга бағишланган махсус телекўрсатув, ток-шоуларни эфирга узатишни йўлга қўйиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупция ҳолатларига дуч келганда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тушунтириш ва амалий кўмак бериш, соҳадаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, эришилаётган натижалар ва келгуси вазифа-мақсадларни муҳокама қилишга бағишланган махсус телекўрсатув, ток-шоуларни ташкил этишга қаратилган “Медиа-режа” тасдиқланиб, тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида миллий телерадиокомпаниянинг марказий телерадиоканаллари ва ҳудудий телерадиокомпанияларда **160 та** информацион дастурларда **416 та** лавҳа, репортаж ва интервьюлар эфирга узатилди. Шунингдек компания тизимида **10 дан** ортиқ форматдаги ижтимоий роликлар намойиш этиб келинмоқда. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидаги теле ва радио каналларда **576 та** телерадиомахсулотлар эфирга узатилди.
IX. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш					
27.	**Давлат дастурининг 27-банди:** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғининг	2023 йил декабрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Олий суд	Мониторинг ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни кўриш.	**БАЖАРИЛГАН.** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида 5-босқич мониторинги ўтказилди. Мониторинг натижаларига кўра, **Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсати**

	Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида ўтказиладиган 5-босқич мониторинг чора-тадбирларига тайёргарлик кўриш.		(Б. Исламов), вазирлик ва идоралар		**83.6 балл** билан Марказий осиё давлатлари орасида энг юқори баҳоланди.
28.	**Давлат дастурининг 28-банди:** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро молия-тижорат битимларини амалга оширишда хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенциясига қўшилиш масаласини ўрганиш.	2024 йил август	Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов), вазирлик ва идоралар	1. Конвенцияга қўшилиш юзасидан миллий экспертлар гуруҳини шакллантириш. 2. Конвенцияга қўшилиш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш.	**БАЖАРИЛГАН.** Бош прокуратура томонидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Халқаро молия-тижорат битимларини амалга оширишда хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенциясига қўшилиш масаласи манфаатдор идоралар вакилларидан иборат таркибда экспертлар гуруҳи ташкил этилган ҳолда ўрганилди. Шу билан бирга, ушбу масала юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти экспертлари билан видеоконференция алоқаси орқали учрашув ўтказилиб, Конвенция ва унга қўшилиш тартиблари муҳокама қилиниб, тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.
29.	**Давлат дастурининг 29-банди:** «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилотига аъзо бўлиш масаласи бўйича асослантирилган таклиф ишлаб чиқиш.	2024 йил февраль 2024 йил апрель 2024 йил июнь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов), вазирлик ва идоралар	1. «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилотига аъзо бўлиш юзасидан масъул давлат идоралари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш. 2. «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилоти вакиллари билан аъзо бўлиш шартлари, мавжуд салоҳиятни таҳлил қилиш ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни муҳокама қилиш. 3. «Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» халқаро ташкилотига Ўзбекистон Республикасини аъзо бўлишга қаратилган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.	**БАЖАРИЛГАН.** 1. Агентлик томонидан “Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилотига Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиш талаблари бўйича маълумотлар умумлаштирилиб, таклифлар ишлаб чиқилди, шунингдек Агентлик, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Статистика агентлиги вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилди. 2. Жорий йилнинг 22 май куни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда “Очиқ ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилоти вакиллари ўртасида онлайн

					учрашув ташкил этилди. https://t.me/antikor_uzb/2798 3. Жорий йилнинг 19-20 июнь кунлари Агентлик директори бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Грузия (OGP халқаро ташкилоти аъзоси ҳисобланади) давлатига ташрифи амалга оширилди. Ташриф давомида “Очиқ ҳукумат ҳамкорлиги” халқаро ташкилоти аъзолиги борасида Грузия тажрибаси ўрганилди. Ташриф якунлари бўйича ташкилотга аъзо бўлиш юзасидан асослантирилган таклифлар ва **"йўл харитаси"** ишлаб чиқилди.
30.	**Давлат дастурининг 30-банди:** «Ўзбекистон — 2030» Стратегиясидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш бўйича давлатнинг истиқболдаги асосий йўналишини белгилаш.	2024 йил март	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Олий суд (Б. Исламов), вазирлик ва идоралар	Қуйидагиларни назарда тутувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш: коррупция келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш; амалдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш; жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш.	**БАЖАРИЛГАН.** Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. (ID-93248)

2-илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ижро қилиш доирасида сарфланган маблағлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Жами сарфланган маблағлар **4 млрд. 795 млн сўм**
шундан, бюджет маблағлари 2 млрд. 440 млн сўм,
халқаро ташкилотлар маблағлари 2 млрд. 355 млн сўм,

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Ишлатилган маблағлар тўғрисида маълумот
I. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш					
2.	Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг «Call-марказ» фаолиятини такомиллаштириш.	Фуқаролар томонидан коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи «Call-марказ»га қилинган қўнғироқларни ёзиб олиш ва овозли хабар қолдириш имкониятини яратиш.	2024 йил февраль	Ижрочилар маблағлари	«Call-марказ»га қилинган қўнғироқларни ёзиб олиш ва овозли хабар қолдириш имкониятини яратиш Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармасидан **227,6 млн сўм** харажат қилинди. Хусусан, “Узтелеком” АЖ билан тузилган шартномага асосан кўрсатилган хизматлар учун **139,7 млн** сўм, дастурий таъминот сотиб олиш учун **87.9 млн** сўм сарфланди.
4.	Давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган «Open data» электрон таълим	Электрон таълим платформаси дастурий таъминотини яратиш ҳамда очиқликни таъминлаш соҳасидаги илғор халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ўқув модулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, платформа орқали давлат органлари ва	2024 йил февраль	Грант маблағлари	Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти молиявий кўмагида давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка масъул ходимларини ўқитишга қаратилган “E-learning” таълим

	платформасини ишга тушириш.	ташкилотлари масъул ходимларини ўқитишни ташкил этиш.			платформаси ишлаб чиқилган (data.anticorruption.uz). Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан “Consort Group” МЧЖ билан платформани ишлаб чиқиш учун **308,3 млн** сўмлик шартнома имзоланган, шунингдек, Агентлик томонидан платформани янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқувчи билан **140 млн.** сўмлик қўшимча шартнома имзоланган.
VIII. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш					
22.	Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш.	1. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар ва ижтимоий буюртмалар сони ва ажратилаётган маблағлар миқдорини ошириш. 2. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан эълон қилинадиган давлат грантлари ажратиш учун танловларда мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мавзулар киритиш. 3. Нодавлат нотижорат ташкилотларини соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий	2023-2024 йилларда	Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари	ННТ коррупцияга қарши курашиш фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида 2023-2024 йиллар давомида **1 млрд 784 млн 400 минг** сўмлик грантлар ажратилган. Булар: - Агентлик буюртманомасига асосан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан **400 млн**.сўмлик грант маблағи ажратилган; - Халқаро ҳамкорлар (БМТ ТД) томонидан 8 та лойиҳа учун умумий қиймати **50 минг** доллар грант маблағлари йўналтирилган. 4. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик

		экспертларни жалб қилган ҳолда тизимли равишда семинарлар ташкил этиб бориш.			жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан **14 та ҳудудда** коррупцияга қарши курашиш йўналишида нодавлат нотижорат ташкилотларига **1 млрд 384 млн 400 минг сўм** миқдорида грантлар ажратилган.
23.	Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни доирасида кенг кўламли «Аксилкоррупция ҳафталиги»ни ўтказиш.	«Аксилкоррупция ҳафталиги»ни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва унинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш.	Ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида	Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари маблағлари	2023 йил 3-ноябрь куни ўтказилган **“III Тошкент Аксилкоррупция Форуми”** тадбирларга **612,8** сўм халқаро донорлик маблағлари ҳамда Вазирлар Махкамасининг захира жамғармасидан **135,8** млн сўм; 2024 йил 16-17-октябрь куни ўтказилган **“IV Тошкент Аксилкоррупция Форуми”** тадбирларга **785,8** млн сўм халқаро донорлик маблағлари Вазирлар Махкамасининг захира жамғармасидан **152,6** млн.сўм сарфланди.